O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2008 йил
9 апрель
ЧОРШАНБА
№ 27
(12.038)

1928 йил 11 декабрда асос солинган ● Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ● Эркин нархда сотилади

www.th.uz

УЗУМИНИ ЕБ, БОҒИНИ СУРИШТИРИНГ

ПАРКЕНТНИНГ тилёрар узумларини еб кўрмаган ким бор? У ер узумларининг ранги кўзни қамаштирганидан завқланмаган киши-чи?

Тумандаги «Навбаҳор» агрофирмаси ҳудудида етиштирилаётган узум навлари ҳақида ҳам ана шундай тўлқинланиб гапириш мумкин. Ҳозирда агрофирмага қарашли 350 гектар майдонда 350 нафар фермер баракали меҳнат қилаётир. Улар томонидан бу йилги мавсумда шу кунгача токзорларнинг 70 фоиз қисмига ишлов берилди. Майдонларга 1 тоннадан зиёдроқ маҳаллий ўғит солинди. Бу ерда асосан узумнинг қора кишмиш ҳамда тоифи навлари етиштирилади. Ўтган йили агрофирма бўйича 3500 тонна ҳосил кўтарилган бўлса, бу йил эса заминдорларнинг мўлжали 3850 тонна узум йиғиб олишдир.

СУРАТДА: (ўнгдан) бош ҳосилот Мирвоҳид Миробидов ва фермер Толиб Жаматов ишлов сифатини кўздан кечиришмоқда.

Даврон АҲМАД олган сурат.

Огоҳлик – давр талаби

ЭЪТИҚОД МУСТАҲКАМ БЎЛСА...

ЧИРЧИҚ шаҳрида вилоят ҳокимлиги ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими ва бошқа жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида «Маънавий, миллий, диний, ахлоқий тарбия» мавзусига бағишланган маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Унда тиббиёт ва саноат-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларидан иборат 500 дан зиёд йигит-қизлар иштирок этишди. Ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатаётган турли зарарли оқимлар, хусусан, баъзи ноисломий ташкилотлар фаолиятининг нохуш оқибатлари ҳақидаги видеофильм намойиш этилди. Риёкорлик қобиғига ўралган ғаразли ниятларни фош этувчи лавҳалар юзасидан фикр билдирган Муқаддас Успен кафедрал соборининг руҳонийси Алексей Назаров, жумладан, шундай деди:

– Мустақил Ўзбекистон эркин фуқаролик жамияти қуриш йўлидан бормоқда. Диний бағрикенглик, эътиқод эркинлиги сиёсатига тўла амал қилинадиган мамлакатимизда ҳар бир фуқаронинг шунга яраша ҳуқуқ ва бурчлари ҳам белгилаб қўйилган.

Кўчама-кўча, уйма-уй юриб, фуқароларнинг хоҳишларига зид ҳолда одамларни ўз диний ташкилотига киришга чақираётган айрим тарғиботчиларнинг хатти-ҳаракатларидан огоҳ бўлиш учун унинг оқибатини яхши илғай олиш керак. Ёшлар, айниқса, қайси динга мансублигидан қатъи назар, диний, ҳуқуқий билимга эга бўлиши лозим. Шундагина умумбашарий, инсоний қадриятлар завол топмайди, ёт ғояларни тарғиб қилувчи мафкуравий хуружлардан ҳоли бўлиш, руҳий хотиржамликка эга бўлиш мумкин бўлади.

Ёшлар билан ўтказилган очиқ мулоқот, қизғин баҳс-мунозара мобайнида огоҳлик, ҳуқуқий саводхонлик зарурлиги таъкидланди. Бу ҳақда Чирчиқ шаҳар ҳокимлигининг иқтисодиёт ва ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича бош мутахассиси Дилором Қосимова шундай деди:

– Шаҳримизда учта жомеъ масжиди ва саккизта ноисломий диний ташкилотлар фаолият кўрсатади. Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар» ҳақидаги қонунига кўра, тарғибот ва тушунтириш ишлари махсус диний маълумотга эга бўлган масъул шахслар томонидан амалга оширилиши керак. Лекин кўчакўйда, уйма-уй одамларнинг тинчини бузиб, вақтини олаётган, сохта ваъдалар билан ўзига оғдиришга ҳаракат қилаётган айрим тарғиботчилар ҳеч қандай диний маълумотга эга эмас. Бу ноқонуний хатти-ҳаракатлар, айниқса ёшларнинг кўр-кўрона эргашиш ҳолатларининг олдини олиш учун махсус тадбирлар амалга оширилмоқда.

«Орият», «Бизнинг ҳуқуқ ва бурчимиз», «Оғусиз ҳаёт» каби учрашув, давра суҳбатлари, семинар-тренинглар ана шу мақсадга йўналтирилган.

– Мустақил Ўзбекистон ёшларига яратиб берилаётган имкониятлар туфайли, – дейди иқтидорли талабалардан бири Дилмурод Ражабов, – истаган ўқув юртида ўқиб, хоҳлаган касб эгаси бўлишимиз мумкин. Лекин ҳуқуқ ва бурчларимизни ҳам яхши англашимиз керак. Ўзгалар таъсирига, ёт ғояларга берилмаслик учун маънан етуклик, мустаҳкам эътиқод зарур. Шундагина озод Ватан ишончини оқлай оламиз.

Сайёра РИХСИЕВА, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.

Вилоят ҳаёти

«СОҲИБҚИРОН» ЖАМОАСИ ҒОЛИБ

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳамда умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида ўтказилиб келинаётган «Сиз тарихни биласизми?» кўрик-танловининг вилоят финал босқичи бўлиб ўтди. Бўка туманидан «Буюк юрт фарзандлари», Зангиота туманидан «Соҳибқирон», Олмалиқнинг «Ўзбекистон», Чирчиқ шаҳридан «Турон» жамоалари беллашишди.

Зангиотанинг «Соҳибқирон» жамоаси биринчи ўринни эгаллади. Танлов якунида ғолиб жамоаларга «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлимининг эсдалик совғалари топширилди.

Шоира ОХУНЖОНОВА.

«ХОНЖИЗА»ДА ИШ ҚИЗҒИН

«Олмалиқ кон-металлургия комбинати» очиқ акциядорлик бирлашмасининг Сурхондарёда барпо этилаётган «Хонжиза» конида ҳозиргача 2 миллиард сўмлик тупроқ ва капитал қурилиш ишлари амалга оширилди.

Лойиҳага мувофиқ, келгуси йилнинг иккинчи ярмидан янги конда ерости қимматбаҳо бойликларини қазиб олиш ишлари бошланади ва маҳсулот қайта ишлаш учун аср қурилиши таърифини олган янги темирйўл орқали Олмалиқдаги корхоналарга етказилади.

Мунира ИСАЕВА.

МУКОФОТЛАР ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

«ЭКОСАН» халқаро ташкилоти иштирокида Тошкент Давлат юридик институтида «Иқлим ўзгариши: ёшлар ташаббуслари» мавзусида «Ёшлар экопарламенти»нинг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Мазкур экопарламентга асосан Тошкентдаги олий ўқув юртларининг талаба ва магистрантлари аъзо бўлган. Улар томонидан ёшларнинг атроф-муҳит муҳофазасига оид конституцион бурчларини бажаришга даъват этувчи Резолюция ҳамда «Экосан» ёшлар уюшмаси аъзолари учун барқарор ривожланишнинг шахсий концепцияси ишлаб чиқилган ва қабул қилинган. «Ёшлар экопарламенти» аъзолари томонидан экологик фестиваллар, турли акциялар, рейдлар, анжуман ва учрашувлар ташкил қилинмоқда. Улар Орол ва Оролбўйи муаммоларини, табиий атроф-муҳит деградациясининг олдини олиш, иқлим ўзгариши билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишда ёшларнинг ролини оширишга қаратилган ташаббускорлар билан чиқмоқдалар.

Тадбирда таъкидланганидек, сўнгги 100 йил давомида сайёрамизда ўртача глобал ҳарорат 0,74°Сга ошди. Башоратларга қараганда, яқин юз йилликда ҳарорат 1,4°Сдан 4°Сгача бўлган диапазонда ошиши, денгизлар сатҳи 19-58 сантиметрга кўтарилиши мумкин. Глобал иқлим ўзгариши турли офатларга олиб келади. Масалан, 2007 йилда содир бўлган хавфли табиий вазиятлар 2006 йилга нисбатан 100 тага кўп бўлди. Шунингдек, тадбир иштирокчилари иқлим ўзгариши билан боғлиқ бўлган вазиятни, унинг сабаблари ва оқибатларини муҳокама қилиб, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш тадбирларини ҳамда аҳоли ўртасида кенг тарғибот ва ташвиқот ишларини кучайтириш зарурлиги ва бунда ёшларнинг ролини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Йиғилиш сўнгида ёшларнинг қизиқиш ва интилишларини янада юксалтириш, улар орасида қобилиятлиларини танлаб олиш, экологик инновацияларни ривожлантириш ва ёш олимларни қўллаб-қувватлаш мақсадида «Экосан» халқаро ташкилоти томонидан «Экосан» мукофотлари эълон қилинди.

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ Ислом Каримовнинг шу йил 3 мартда қабул қилган "Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида"ги қарорига мувофиқ жойларда собиқ аскарларни кутиб олиш ва ёшларни ҳарбий хизматга кузатиш маросимлари бўлиб ўтмоқда.

ЙИГИТЛАР ХИЗМАТГА ЙЎЛ ОЛДИ

Мамлакатимиз Қуролли Кучларини ислоҳ қилиш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ёшларнинг ҳарбий хизматга бўлган муносабатини тубдан ўзгартирди. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, армияда хизмат қилиш Ўзбекистон фуқароси учун нафақат конституциявий бурч, балки нуфузли касблардан бирига, том маънодаги шон-шараф ишига айланиб бормоқда.

Мудофаа ишлари бошқарма ва бўлимларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланмоқда. Ҳарбий хизматга ҳар томонлама бақувват, жиддий синовлардан ўтган йигитлар саралаб олинаётир. Армияда уларнинг профессионал ўсиши, жисмоний, маънавий ва интеллектуал ривожланиши учун барча зарур шарт-шароит яратилган.

Айни кунларда Тошкент вилоятида ҳам тиббий кўрик ва танловлардан муваффақиятли ўтган ўғлонлар муддатли ҳарбий хизматга йўл олмоқда. Вилоят мудофаа ишлари бошқармаси йиғин пунктида бўлиб ўтган ана шундай тадбирда ҳарбийлар, чақирилувчиларнинг ота-оналари ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Маросимда вилоят мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи, полковник А. Абдураимов, Тошкент вилояти ҳокими ўринбосари, вилоят чақирув комиссияси раиси С. Абдуллаев ва бошқалар бўлажак аскарлар ҳарбий хизматни аъло даражада ўташига ишонч билдирдилар.

– Йигитлик бурчимни Чегара қўшинларига қарашли ҳарбий қисмда ўтайдиган бўлдим, – дейди Қибрай туман мудофаа ишлари бўлимидан чақирилган Мирзажон Қўзибоев. – Бўлиб ўтган суҳбат ва учрашувларда, чегарачи сергак, мустақил фикрлайдиган, масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир, жисмоний ва маънавий жиҳатдан етук бўлиши зарурлигини тушуниб етдим.

Холмурод САЛИМОВ, ЎзА мухбири.

САҲНАДА ЎҚУВЧИЛАР

Юқоричирчиқ туманидаги Қурилиш иқтисод касб-ҳунар коллежининг ахборот-ресурс марказида буюк бобокалонимиз, соҳибқирон Амир Темур ҳаёти ва фаолиятига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Семинарда иштирок этган 34-, 7-ўрта умумтаълим мактаби ўқувчилари саркарданинг ёшлик йиллари, йигитлик даври ва давлат бошқарувидаги фаолияти акс этган саҳнавий парчаларни маҳорат билан ижро этишди. Унинг ҳаёти ҳақида қимматбаҳо маълумот берувчи «Темур тузуклари» асари асосида тайёрланган саҳна кўринишлари йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Тадбир сўнгида «Амир Темур буюк саркарда» номли китоб кўргазмаси ташкил этилиб, кўргазмага қўйилган адабиётлар етакчи мутахассис Маъсуда Аҳмедова томонидан шарҳлаб берилди.

Саида РАҲМОНОВА.

МЕҲНАТ ҚОНУНЧИЛИГИГА РИОЯ ҚИЛИНМАГАЧ

нафақат иш унуми сусаяди, балки турфа кўнгилсиз ҳодисалар ҳам келиб чиқади

Юртимизда истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ инсон манфаатлари энг олий қадрият даражасига кўтарилди. Кучли ижтимоий сиёсат бозор иқтисодиётига ўтишнинг беш тамойилидан бири этиб белгиланди. Бунинг асосий моҳияти ижтимоий ҳимояга муҳтожларни камайтириш ва ўз навбатида, кўмакка муҳтож аҳоли эҳтиёжларини тўлароқ қондиришдир. Ижтимоий ислоҳотларни чуқурлаштиришга қаратилган қонунлар, фармон ва қарорлар бу борада муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилаётир.

Вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасининг жойлардаги инспекторлари томонидан вилоятимиздаги корхона ва ташкилотларда Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси, «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги ҳамда «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунлари ижроси мунтазам назорат қилиб борилмоқда. Жойларда ўтказилган текширишларда иш берувчилар билан ходимлар ўртасида меҳнат муносабатларининг қонуний йўлга қўйилганлиги, ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатиш, иш ва дам олиш вақти меъёрларига риоя этилаётганлиги, иш ҳақларининг ўз вақтида тўланиши, соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитлари яратилганлиги доимий эътиборда бўлмоқда.

2007 йилда Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг қарори билан тасдиқланган режага асосан 125 та хўжалик юритувчи субъектда, шунингдек, бюджет ташкилотларининг 50 тасида мониторинглар ўтказилди. Натижада бир қатор қонунчиликни бузиш ҳолатлари аниқланди, бу камчиликларни бартараф этиш учун хўжалик раҳбарларига бажарилиши лозим бўлган ёзма кўрсатмалар берилди. Ҳозирги кунгача аниқланган камчиликларнинг 20178 таси бартараф этилганлиги тўғрисида маълумот олинди. Меҳнат қонунчилиги ҳамда меҳнат муҳофазаси қоида ва меъёрларини бузган 300 дан ортиқ мансабдор шахс маъмурий жавобгарликка тортилди, хавфсизлик талабларига жавоб бермайдиган 8 та дастгоҳдан фойдаланиш вақтинча тўхтатиб қўйилди.

«Аммофос», «ОКМК», «Ўзметкомбинат», «Максам-Чирчиқ», «Янгийўл Биокимё», «Лаззат» корхоналарида олиб борилган текширишлар натижасида меҳнат қонунчилиги ва муҳофазасига алоҳида эътибор қаратилганлигига гувоҳ бўлдик. Корхоналарнинг ҳар бир цехида меҳнат муҳофазасини назорат қилиб борувчи вакиллар сайланган. Ноқулай шароитларда ишлаётган ходимлар профилактик озиқ-овқатлар ва бепул сут билан таъминланган, ходимларга махсус кийим-бош ва шахсий гигиена воситалари берилган, ишчиларнинг малакасини ошириб бориш талаб даражасида йўлга қўйилган.

(Давоми 2-бетда).

9 апрель – Амир Темур таваллуд топган кун

МАЛИК АКАНИНГ ТЕМУРНОМАСИ

БУ ТАБАРРУК отахон билан гаплашиб тўймайсиз. Суҳбати ширин, суҳбати доно. Мағизли, ибратли ҳаёт варақлари. Суҳбатдошим – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Бадиий академия академиги, Ўзбекистон халқ рассоми, «Буюк хизматлари учун» ордени нишондори, бир сўз билан айтганда, тилла мўйқалам соҳиби, профессор Малик Набиев.

Малик аканинг тўқсон икки йиллик умри давомида кўрганкечирганлари гўзал бир қисса бўлишга лойиқ. Бугун биз ана шу қиссанинг ёркин бир фасли – Амир Темур портретининг яратилиш тарихи хусусида тўхталмоқчимиз.

Амир Темурдан гап очилса, Малик аканинг кўнглига йигитлик ҳаяжони қайтади. «Соҳибқирон сиймосини яратишга қачон киришгансиз?» деган саволимга иккиланмай, «уруш йиллари» деди ва ҳикоясини бошлади.

– 1937 йили рассомлик техникумини битириб чиқдим. Мени санъат музейига ишга юборишди.

1938 йили Ўзбекистон рассомларининг съезди бўлди. Биз ўн бир киши рассомлик техникумини битирган қалдирғочлар эдик. Ҳаммамизни рассомлар уюшмасига аъзо қилиб олишди. Бу орада Алишер Навоийнинг 500 йиллик тўйига тайёргарлик бошланиб кетди. Навоий қўмитаси тузилди. Зукко олим, эски танишим Ходи Зариф қўмитада котиб экан. Бир куни у киши мени чақиртирди. Ишга таклиф этди.

– Навоий қўмитасида ишласанг, кам бўлмайсан, қаламинг чархланади, устозлар ёнида кўп нарса ўрганасан, – деди Ходи ака. Музейдаги вазифам зериқарли эди, дарров «хўп» дедим-у, Навоий қўмитасига ўтиб кетдим...

Бу орада Малик ака ҳаётида ўчмас из қолдирган, ёш мусаввир қалбига чўғ солиб, бир умрга безовта қилиб қўйган воқеа содир бўлди.

Гап шундаки, Навоий қўмитаси қарорига кўра, соҳибқирон Амир Темур, Улуғбек ва улуғ малика Бибихоним қабрлари очиб кўрилиши керак эди. Хукумат комиссияси тузилди. Унинг таркибида Садриддин Айний, Ҳамид Олимжон, Малик Қаюмов сингари маданият арбоблари бор эди. Москвадан таниқли ҳайкалтарош Михаил Герасимовни таклиф этишди. 1941 йил 16-24 июнь кунлари Амир Темур, Улуғбек, Бибихоним қабрлари очилиб, учта тобут ташқарига чиқарилди. Самарқандда гапсўзларни кўпайтирмаслик учун учала жасад дарҳол Тошкентга олиб кетилди ва тарих музейига жойлаштирилди. Ана шу ерда Малик ака илк марта соҳибқирон руҳи билан учрашгандек бўлди.

Малик ака гапиради:

– Бир куни Герасимов менга ўхшаган икки-уч ёш-ялангни чақирди.

– Амир Темурнинг тобутини ҳовлига олиб чиқинглар, – деди. Тўрт йигит тобутни аввайлаб кўтардик. Ҳовлига олиб чиқиб, водопровод ёнига қўйдик. Герасимов соҳибқиронни бош чаноғини олиб менга узатди.

– Ма, яхшилаб ювиш керак.

Жоним товонимга тушиб кетди. Мен, энди йигирма бешга чиққан ёшгина йигит кимсан – жаҳонни титратган Амир Темурнинг бош суягини юваманми? Ҳатто, қўлга ушлашга ботинолмайманку...

Герасимов кулди;

– Хм, қўрқяпсанми, болакай? Тўғри, бу Амир Темур, жаҳонгир...

Герасимов ўзи ювди бош чаноқни. Кейин марҳумнинг илик суягини олиб оёғига ўлчаб кўрди.

– Менинг бўйим 166 сантиметр, – деди у, – Темур мендан новчароқ экан. Унинг бўйи тахминан 175-177 сантиметр бўлган.

Герасимов кимнингдир устахонасида қамалиб олиб, Амир Темурнинг бюст-ҳайкалчасини ишлади. Темур қиёфаси бир қарашдаёқ одамда ёмон таассурот қолдирарди. Герасимов тасвиридаги жаҳонгирнинг ёноқлари туртиб чиққан, юзи тунд, нигоҳи совуқ ва ғазабнок эди.

(Давоми 4-бетда).

2008 йил учун обуна давом этмоқда «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» газетасининг индекси – 205.

САНАГА БАҒИШЛАНДИ

МИЛЛИЙ матбуот марказида Бутунжаҳон Саломатлик кунига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Унда маҳаллий ва хорижий журналистлар, вазирлик, жамоат ташкилотлари раҳбарлари, уюшмалар ҳамда "Ёшлар экопарламенти" вакиллари иштирок этди.

"Экосан" халқаро ташкилоти ва Ўзбекистон Журналистлари Ижодий Уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган анжуманда "Матбуот, радио ва телевидение ҳамда электрон ОАВ саҳифаларида "Экология ва саломатлик кунлари" тадбирлари ҳамда "Экосан"-нинг "Ёшлар йили"га бағишланган мақсадли дастури ва лойиҳалари ёритилган энг яхши журналистик иши" республика танлови эълон қилинди.

Рахшона ТОШПЎЛАТОВА, "Туркистон-пресс".

"PAYNET"НИНГ ЯНГИ ХИЗМАТЛАРИ

"PAYNET" компанияси "Ўзтрансгаз" акциядорлик компанияси билан ҳамкорликда аҳолига табиий газ учун тўлов қабул қилиш бўйича янги хизмат турини таклиф этмоқда.

Энди "Paynet" компанияси ва "Тошшаҳаргаз" ташкилоти ўртасида тузилган шартномага асосан Тошкент шаҳри аҳолисидан табиий газ учун тўловлар қабул қилинади. Тўловни "Paynet" қабул пунктларидан бирида амалга ошириш мумкин. Бир марталик тўлов миқдори 500 сўмдан 100 000 сўмгача қабул қилинади ва шу заҳотиёқ тўловни тасдиқловчи чек берилади.

Табиий газ истеъмолчиси тўловни амалга ошириши учун компания агентига ўзига хос код ёзилган "Paynet ID" картасини кўрсатиши керак. Агар истеъмолчининг бундай картаси бўлмаса, уни "Paynet" компанияси пунктларидан олиши мумкин. "Paynet ID" идентификация картасини бериш ва рўйхатга олиш бепул амалга оширилади.

Яна бир янгилик. Компания иккита мобиль алоқа оператори билан ҳам тегишли шартномалар тузди. Энди "Paynet" пунктларида "МТС Ўзбекистон" ва "Coscom" уяли тармоғига уланиш ва ўзингизга ёққан рақамни танлашингиз мумкин. Абонент уяли алоқа компанияси офисига бормасдан, ўзи истаган тарифни танлаши ва ҳисобини хоҳлаганча тўлдириш имкониятига эга бўлади. Янги хизмат тури ҳозирча Тошкент шаҳрида кўрсатилади ва кейинчалик республикамиз вилоятларида ҳам жорий этилади.

В. НИКОЛАЕВ, ЎзА мухбири.

ХИ аср ва ДУНЁ

ҒАРОЙИБ ҚИШЛОҚ

Хитой матбуоти мамлакатнинг Сичуань вилоятидаги Минъянци қишлоғи аҳолиси тўғрисида мақола эълон қилди. Унда ёзилишича, бу қишлоқ аҳлининг бўйи ўртача 80 сантиметрни ташкил этар экан. Энг узунининг бўйи – 1,6 метр. Минъянци аҳолисининг энг катта орзуси, табиийки, ўсишдир. Айни вақтда тиббиёт мутахассислари уларга ёрдам бериш мақсадида илмий изланишлар олиб бораётир.

ГЕРМАНИЯДА ҚУРИЛАЖАК МИНОРА

Хабарларга кўра, Германияда мамлакатдаги энг катта масжид барпо этилади. "Ehrenfeld Central Mosque" деб номланган мазкур лойиҳани амалга ошириш учун 23 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфланиши кутилмоқда. Масжид майдони қарийб беш минг квадрат метрни, миноораларининг баландлиги эса эллик беш метрни ташкил этади.

ҚИММАТБАҲО АСАР

Нью-Йоркдаги "Кристис" кимошди савдо уйида Чарльз Диккенс қаламига мансуб "Оливер Твист" асарининг қўлёзмаси 229 минг долларга сотилди. Хабарларга қараганда, 1996 йилда унинг бошқа қўлёзмаси 160 минг долларга харид қилинган экан. РАТА-ТАСС мухбирининг хабар беришича, адибнинг яна икки юздан зиёд асари сотувга қўйилган. Улар қарийб икки миллион долларга сотилиши мумкин.

БЎРОН ТАЛАФОТИ

Австралияда кучли бўрон оқибатида икки киши ҳаётдан кўз юмди, йигирмага яқин киши жароҳатланди. Маълумотларга кўра, соатига юз километр тезликда ҳаракатланган кучли шамол оқибатида минглаб тураржой бинолари вайрон бўлган, электр узатиш тармоқлари ишдан чиққан, кўплаб йўллар ва экин майдонларига катта зарар етган.

ПОХОЛДАН ЁҚИЛҒИ

Германиянинг "Чорен индастриз" компанияси қишлоқ хўжалиги чиқиндилари – ўсимликлар пояси ва похолдан автомобиль учун табиий ёқилғи ишлаб чиқара бошлади. Компания илгари ёқилғи тайёрлашда буғдой, картошка ва лавлаги қолдиқларидан ҳам фойдаланган. Янги усул анча арзон тушяпти. Ҳозир "Чорен индастриз" йилига 15 минг тонна табиий ёқилғи ишлаб чиқариш имкониятига эга.

ЎзА.

ОЛДИНИ ОЛГАН МАЪҚУЛ

ТОШКЕНТ давлат юридик институтида "Вояга етмаганларнинг жиноят ишларини юритиш тартибини такомиллаштириш" мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

Унда Республика бош прокуратураси, Адлия вазирлиги ходимлари, институт профессор-ўқитувчилари ҳамда магистр талабалар иштирок этди.

Тадбирда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, либераллаштириш жараёнида вояга етмаган болаларга нисбатан миллий ҳуқуқий қонунчиликни халқаро нормалар асосида ташкил этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Сурайё МЕЛИҚУЛОВА, "Туркистон-пресс".

Ифтихор

КОНЧИ ИШИНИНГ ҚАДРИ ЮКСАК

БИРЛАШГАН касаба қўмитасининг раёсат йиғилиши анча давом этди. Баҳорги кўкаламзорлаштириш, ободонлаштириш, бирлашма тасарруфидаги ижтимоий объектларни таъмирлаш каби масалалар қатори тизимдаги корхоналар ўртасида август ойида бўладиган анъанавий спартакиадага тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш хусусида сўз борди.

– Белгиланган ишларни ўз вақтида бажаришимиз керак, – деди қўмита раиси Абдуносир Қаюмов. – Ҳадемай, тизим корхоналарида спортнинг еттита тури бўйича саралаш мусобақалари бошланади. Ер қуриган, ўйингоҳларни тартибга келтириш вақти етди. Бундан ташқари, «Коинот» болалар оромгоҳини мавсумга ҳозирлаш жараёнида у ердаги катта-кичик спорт майдонларини 20 майгача таъмирдан чиқариш зарур.

– Мавсумолди ишлар оромгоҳда яхши кетаяпти, – деди кон темирйўлтранспорти бошқармаси касаба қўмитаси раиси Собир Эрбўтаев. – Хабарингиз бор, ҳашарга жалб этилган ёрдамчи кучлар ҳам қараб турмаяпти.

Дарҳақиқат, «Ўзбеккўмир» очиқ акциядорлик жамиятининг бирлашган касаба қўмитаси тизимдаги ўндан ортиқ корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган 6 мингдан зиёд кончини ўз рўйхатига олган. Қўмита томонидан жамоа шартномаси асосида кончиларнинг иш ва турмуш шароитларини яхшилаш, саломатликларини муҳофаза қилиш, меҳнатда ва жамоат ишларида эришган ютуқларини рағбатлантириш, спортни оммалаштириш, шунингдек, миллий ғоя тарғиботини такомиллаштириш каби йўналишларда ибратга лойиқ ишлар амалга оширилаяпти.

Яқинда Наврўз байрами муносабати билан бирлашган касаба қўмитаси «Саховат» акцияси ҳафталигини ўтказди. Ҳафталик давомида 60 та кам таъминланган оилаларнинг ҳар бирига 30 тадан жўжа тарқатилди.

– Мамлакатимизда инсон манфаатлари йўлида устувор вазифалар амалга ошириляпти, – дейди кран-машиначиси Малика Ўлмасова. – Аввало, гап совғада эмас, эътиборда. Қиш мавсумидан олдин кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларга, пенсионерларга 4 тоннадан кўмир берилди.

– Бу сингари амаллар йил мобайнида, айниқса, қутлуғ саналарда, байрамлар муносабати билан давом этаверади, – дейди А. Қаюмов. – «Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида Ангрендаги 34-, 73-мактаб интернатлари ҳамда 19-умумтаълим мактабига, оталикдаги мактаб ва болалар боғчаларига ҳомийлик ёрдамлари кўрсатилади. Тизим ходимлари, пенсионерлар, уруш фахрийлари, кўп болали ва кам таъминланган оилалар аъзоларининг саломатликларини мустаҳкамлаш масалаларига ҳам зарур миқдорда маблағ сарф этилади.



Бундан ташқари, тизимдаги корхоналарни спорт анжомлари ва кийим-кечаклар билан таъминлашга, шунингдек, кон темирйўл-транспорти бошқармаси спорт залини таъмирлашга, «Коинот» болалар оромгоҳида ўқувчиларнинг мазмунли дам олишлари учун етарли маблағ ажратилди.

Шу ўринда айтиш жоиз, маъмурият ва бирлашган касаба қўмитаси соҳа учун малакали кадрлар тайёрлаш ва улар сафини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Айни вақтда шартнома асосида тизимда меҳнат қилаётган 100 дан ошиқ ёшлар ихтисослашган касб-ҳунар коллежлари ҳамда олий ўқув юртларида таҳсил олишмоқда. Контракт тўловлари ҳар йили корхона томонидан амалга ошириб келинмоқда.

Ёш мутахассис ишчилар тайёрлашда, уларни касбга йўналтиришда тизимда фаолият юритаётган ўқув маркази ҳам муҳим ўрин тутиб келаяпти. Шунингдек, ёқилғи-энергетика, кимё саноати ҳамда геология соҳаси ходимлари республика касаба уюшмалари вилоят кенгаши ва бирлашган касаба қўмиталарининг анъанавий август спартакиадасини кўтаринки руҳда ўтказиш ва ғолиб жамоалар ҳамда спортчиларни рағбатлантиришга 20 миллион сўм ажратилиши белгиланган.

Ёшлар йили муносабати билан соҳа ходимлари ҳамда жамоалар ўртасида ўтказилиши режалаштирилган тадбирлар талай. Ўтган март ойида терма жамоа вакиллари Чирчиқ шаҳрида миллий кураш бўйича ўтказилган мусобақаларнинг вилоят босқичида қатнашиб, юқори натижаларга эришдилар. Жумладан, Ангрен кўмир кони ишчиси Диёрбек Жумаев ўз вазни бўйича мусобақанинг мутлақ ғолиби деб топилди ва шу йилнинг 12 май куни республика биринчилиги учун ўтказиладиган финал мусобақаларда қатнашиш имкониятини қўлга киритди. Шунингдек, шаҳарнинг «Кимёгарлар» маданият саройида ўтказилган «Она ва бола» кўрик-танловида кон ходими Умида Абророва совринли ўринга сазовор бўлди.

Фахрий кончилар, илғор ишчилар, спорт ва бошқа соҳаларда фаол иштирок этаётган ёшлар учун республикамизнинг тарихий шаҳарларига саёҳатлар уюштирилаяпти. Мақсад, мамлакатимизда кўмир саноатини ривожлантиришга ўз меҳнатлари билан салмоқли улуш қўшиб келаётган кончиларни маънан ва руҳан қўллаб-қувватлаш, уларнинг ютуқ ва изланишларини мустаҳкамлашга кўмаклашишдир.

Мунаввара ИСОҚУЛОВА, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.

СУРАТЛАРДА: бирлашган касаба қўмитаси ҳаётидан лавҳалар.

Муносабат

ЭЗГУ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗНИ ЭЪЗОЗЛАЙЛИК

АЖОЙИБ замонда яшаяпмиз. Бутун мамлакатимиз улкан бунёдкорлик, туб ислоҳотлар ва юксалиш йўлида. Бугун ишонч билан айта оламизки, биз ўзимизга хос, дунё тан олган ўз йўлимиздан бориб, қадимий анъана ва удумларимизга қайта жон ато этиб, қадриятларимизни эъзозлаб, мамлакатимизни гуллатиб-яшнатаяпмиз.

Бугун вилоятимизнинг қайси шаҳар ва туманига бормайлик, гўзал иморатлар, кенг ва равон йўллар, киши кўнглида ҳаётга меҳр ва келажакка ишонч уйғотувчи янги мактаб, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, тиббиёт марказларини кўриб, кўзимиз қувнайди. Уларнинг барчасида миллий ва замонавий меъморчилик анъаналари уйғунлаштирилган.

Нимаики қилсак, мақсадимиз – бугунги ёшларни маънавий камол топтириб, эзгу ишларга ундашдан иборат. Мана шу умуммиллий интилишга Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси фаолларининг юртимиз фуқароларига, ёшларга мурожаатномаси алоҳида руҳ бағишлади. «Мустақиллик шарофати, Юртбошимизнинг оқилона сиёсати туфайли, – дейилади мурожаатномада, – мамлакатимиз қайта тикланиб, чирой очиб, жаҳондаги энг гўзал диёрлардан бирига айланиб бормоқда. Ҳар биримиз шу азиз Ватан қадрига етишимиз, унинг равнақига муносиб ҳисса қўшишимиз даркор».

Бу йўлдаги саъй-ҳаракатларда муборак қадриятларимиз, удум ва анъаналаримизни фарзандларимиз қалбига сингдириш, улар билан бой ҳаётий тажрибамизни баҳам кўриш, ўғил-қизларимизнан маслаҳатимиз ва ўгитларимизни аямаслик алоҳида ўрин тутади. Шуни ҳисобга олиб, Мурожаатномадан келиб чиқадиган вазифалар жамғарманинг вилоят, шаҳар ва туман бўлимлари кенгашларида кўриб чиқилди. Уларда эзгу ишларни йил-ўн икки ой давом эттириш, бунда фахрийларимизнинг иштироки режалаштириб олинди.

Асосий эътибор ёш авлодни қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашни кучайтиришга қаратилмоқда. Жамғармамиз фаоллари, катта ҳаёт тажрибасига эга фахрийлар «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг маҳаллий бўлимлари билан ҳамкорликда мактаблар, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида уч авлод учрашувларини ташкил этмоқдалар. Ватанимизнинг ривожланиш тарихи, шаҳар ва қишлоқларимизда унинг гуллаб-яшнашига муносиб ҳисса қўшиб ўтган азиз инсонларнинг ибратли ҳаёти ва меҳнатлари, ислоҳотларнинг самаралари ҳақидаги суҳбатлар йигит-қизларимиз қалбида азиз юртимиз учун ифтихор туйғуларини уйғотаётир.

Натижада фарзандларимиз азалий қадриятларимизни ардоқлаб, уни янги жиҳатлар билан бойитмоқдалар. Умумхалқ ҳашарлари бунинг ёрқин далили бўла олади. Бугун Оққўрғон, Янгийўл, Тошкент, Қибрай туманлари, Янгийўл шаҳрига ўтсангиз, қадим манзилларни мутлақо янги қиёфада кўриб, дилингиз яйрайди. Кенг-кенг хиёбон ва майдонлар, сўлим-сўлим истироҳат боғлари, адл кўчаларда шу кунларимиз учун ифтихор туйғулари билан қадам ташлайсиз, шукроналар айтасиз.

Бу – авлодлар якдиллигининг, азалий анъаналаримиз бардавомлигининг натижаси. Демоқчиманки, бу латофат, аввало, ҳар биримиз ўз хонадонимизни ораста тутишимизга, боғ-роғларимизни, кўчаю йўлакларни тартибли сақлашимизга, хиёбон ва майдонларни, гузарларимизни, спорт майдончаларидаги кўркамликни йил бўйи сақлашимизга боғлиқ.

Шаҳар ва қишлоқларимиздаги Хотира майдонлари ҳамда хиёбонлари, тарихий ёдгорликлар ва муқаддас қадамжоларни, қабристонларни ораста, тартибли сақлаш – муқаддас бурчимиздир. Манзарали ва мевали дарахтлар, гулзорлар кўримли қилиб турган бундай жойларга кириб, киши баҳра олади, енгил тортади, ич-ичидан ўзида алоҳида куч ҳис этади. Бироқ, сир эмас, баъзан қишлоқларимизда, ҳатто шаҳарчаларимизда ҳам ҳувиллаб турган Хотира хиёбонлари, ташландиқ ҳолга келган қабристонларга кўз тушганда, баъзи оқсоқолларимизда таъсирчан сўз ва ташкилотчилик, ёшларимизда бирлашиш ва ҳаракат қилишга иштиёқ сустлигидан афсусланасан, киши. Беихтиёр шу жойларда ҳам зиёлилар борку, наҳотки уларнинг қалбида ўз қишлоғи, шаҳарчасининг ўтмиши учун ифтихор шуъласи сўниқ, бефарқлик кучли, эртанги кунга интилиш суст, деб ўйлайсан. Истиқлол ўзлигимизни англаш, миллий анъаналаримизни тиклаш имконини берган шундай қутлуғ кунларда бундай нуқсонларга барҳам бериш барчамизнинг бурчимиздир.

Шуни асло унутмаслигимиз керакки, қабристонларни озода, тартибли сақлаш, аждодларимиз хотирасини эъзозлаш, мархумларга кўрсатиладиган ҳурмат. Бу ҳурмат – шу манзиллардаги ободончилик, озодагарчилик, осойишталикда акс этади. Қабристонларни дарахтзорлар, гиёҳу гуллар билан зийнатлаб қўйиш Ҳазрати инсон хотирасини эъзозлаш, уларни ободонлаштириш савоб эканлигини фарзандларимиз, сингилларимиз ва укаларимизга уқтирайлик. Қабристонларни обод ва ораста сақлашга уларни сафарбар этиш муҳимлигини асло унутмайлик. «Нуроний» жамғармаси маҳаллий бўлимларининг фаоллари, кўпни кўрган кексалар бунинг учун бурчлидирлар. Улар бу она заминда ҳар бир қарич ер муқаддас эканлигини ҳис этишлари керак. Ана шунда ҳар биримиз шаҳар ва қишлоқларимиз ҳамиша озода ва ораста бўлиб туриши, саранжом-саришталиги учун бошланган умумхалқ ҳаракатига бош-қош ва ўрнак бўла оламиз.

Нуъмонжон НАСИМОВ, Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси вилоят кенгашининг раиси.

МЕҲНАТ ҚОНУНЧИЛИГИГА РИОЯ ҚИЛИНМАГАЧ

Афсуски, «Трансазия», «Автойўлинвест», «Олмалиқ карбит» МЧЖ, «Олмалиқ пиво» ХИЧТК, «Гидромехсервис» КК, «Махам Ўзбекистон», «Олмалиқ АТС» ОАЖларда текшириш ўтказилганда ходимлар билан меҳнат шартномаларини бекор қилиш, ишга қабул қилиш ва таътиллар бериш буйруқларини расмийлаштиришда қатор камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланди. Масалан, ишчи ходимларнинг меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги буйруқларга ходимнинг танишиб чиққанлигини тасдиқловчи имзолари қўйилмаган, ишчи-ходимларнинг иш ҳақлари вақтида берилмаган. «Олмалиқ АТС» ОАЖда 2007 йилнинг 20 декабрь ҳолатига кўра ишчи-хизматчилар иш ҳақидан 20 миллион сўм миқдорида қарздорликка йўл қўйилган. Ушбу ҳолатлар юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг «Иш ҳақини ўз вақтида тўлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 154, 161-моддаларига риоя қилинмагани боис мансабдор шахсларга «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодекснинг 49-моддасига биноан жарима белгиланди ва ундириб олинди.

Иш ўринларидаги зарарли омиллар даражасини аниқлаш соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлаш, имтиёзли пенсияга чиқувчи, бепул сут ва қўшимча таътил олувчи касблар тўғри белгиланганлиги юзасидан «Меҳнат шароитларини баҳолаш услубиёти» асосида 2007 йилда 24 та корхона ва ташкилотларда 964 та иш ўринлари билан таниш-иб чиқилди. Шунингдек, шаҳар ва туман бандликка кўмаклашувчи марказлари томонидан фермер хўжаликлари ва барча турдаги корхоналарда меҳнат муносабатларига ҳамда меҳнат муҳофазасига оид масалалар юзасидан ҳуқуқий маслаҳатлар берилди, ўқув семинарлари ўтказилди. Тармоқлар ўртасида корхона раҳбарлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш мутахассислари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш билан ишлаб чиқаришда юз бериши мумкин бўлган бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш ҳамда профилактик чораларни кучайтириш мақсадида қўшма тадбирлар ишлаб чиқилди.

Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси талабларининг ижроси юзасидан ана шундай кенг кўламли ишлар амалга оширилишига қарамай, 2007 йилда айрим корхона ва ташкилотларда ишлаб чиқаришга боғлиқ ҳолда 17 марта ўлим ҳолати ва 23 марта оғир жароҳатланиш билан тугаган бахтсиз ҳодисалар юз берди. Бу ҳолатлар ҳам инспекторлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган «Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисида Низом» асосида текширилди. Шуниси ачинарлики, бу бахтсиз ҳодисаларнинг аксариятида корхоналарда хавфсизлик қоидаларига амал қилинмаслиги сабаб бўлмоқда.

Янгийўл туманидаги «ТОТЕХ» хусусий фирмаси ишчиси Иван Иванов билан юз берган бахтсиз ҳодиса текширилганда ходимнинг ёзган тушунтириш хати бўйича у «ТОТЕХ» хусусий фирмасида 2006 йил 1 ноябрь куни электр пайвандчи ва электрчи бўлиб иш бошлаганлиги маълум бўлди. У фирма раҳбари Абдумалик Мирсамадовнинг вакили А. Мирсамадов билан оғзаки келишув бўйича ишга кирган. А. Мирсамадов ходимнинг ҳужжатларини расмийлаштирмаган, яъни меҳнат дафтарчаси юритмаган, электр пайвандчи ва электрчи бўлиб ишлаши мумкинлиги тўғрисидаги ҳужжатларини сўраб-суриштирмаган. Жабрланувчи меҳнат хавфсизлиги бўйича йўриқномадан ҳамда тиббий кўрикдан ўтказилмаган.

Бу бахтсиз ҳодисани текширишда шу нарса маълум бўлдики, А. Мирсамадов И. Ивановга трансформатор тепасидаги узилган симларни юқори кучланишли тармоққа улашни тайинлаб, хавфли вазифага ундаган. Вақоланки, бундай ишларни РЭС ходимларигина қилишлари мумкин. Натижада И. Ивановга юқори кучланишли электр энергияси таъсир этган ва у оғир жароҳат билан шаҳар марказий шифохонасига ётқизилган.

«Бекобод пахта тозалаш заводи» ҳиссадорлик жамиятида ҳаво сўрувчи вентиляторнинг муфтаси таъмирланаётган вақтда навбатчи электрчи электр двигателни ҳаракатга келтириб юборади. Натижада таъмирлаш ишлари билан машғул бўлган чилангар Иброҳим Турсуновни ярим муфта ўраб кетиб, воқеа жойида вафот этишига сабаб бўлади. Ушбу бахтсиз ҳодисани текшириш давомида жамият бош энергетиги И. Султонов электр энергияси билан ишлаш ҳуқуқини берувчи гувоҳномага эга бўлмагани билан бир қаторда, шу соҳанинг мутахассиси эмаслиги аниқланди. Завод маъмурияти тегишли малакаси бўлмаган шахсга электр энергияси билан ишловчи барча ускуналарни ва электрчилар ишини назорат қилишни топшириб қўйган. Бу ҳолатга электр таъминоти ташкилоти – Бекобод электр тармоқлари корхонаси ҳам эътибор бермаган ҳолда электр энергияси билан таъминлаб келган.

«Зафар-автогаз» автомобилларга газ қуйиш шахобчасида ГАЗ-2410 автомашинасига ўрнатилган газ балонининг портлаши натижасида оператор З. Расулов ҳодиса содир бўлган жойда вафот этади. Ушбу кўнгилсиз ҳодисанинг келиб чиқишига ҳам айнан хавфсизлик қоидаларига риоя қилинмаганлиги сабаб бўлган. Чунки, З. Расулов ўз ишига оид талаблар ва тегишли йўриқнома билан таништирилмаган.

Қибрай туманидаги «Солиҳ» фермер хўжалигининг электр монтёри юқори кучланиш ўтган симёғочга кўтарилишда ҳимоя белбоғидан ҳамда тумандаги энергетика касб-ҳунар коллежи ишлаб чиқариш таълими устаси сув қувурига тушиб иш бажараётганда шахсий ҳимоя воситасидан фойдаланмаганлиги оқибатида ҳаётдан бевақт кўз юмишди. «Паркент машина-трактор парки» мансабдор шахслари ўз вақтида таъмирлаш чораларини кўрмай, техник жиҳатдан носоз тракторни ишга чиқарганликлари оқибатида яна бир бахтсиз ҳодиса юз берди. Бунинг натижасида беш фарзанднинг отаси Э. Диханов ногирон бўлиб қолди.

Албатта, хавфсизлик талабларини таъминламаган мансабдор шахсларга нисбатан жазо чоралари кўрилди, жабрланганларга тегишли моддий ёрдамлар кўрсатилди. Лекин бу билан ишга яроқсиз бўлиб қолган ходимни, боқувчисидан айрилган оилаларни овутиб бўларми-кин?

Азиз АКРОМОВ, вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси меҳнатни муҳофаза ва иш шароитларини экспертиза қилиш давлат инспекцияси бошлиғи.
Баҳодир АБИЛХАИРОВ, давлат меҳнат-ҳуқуқ инспекцияси бошлиғи.
Акмал АБДУВАЛИЕВ, давлат меҳнат шарт-шароитлари бош эксперти.

(Давоми. Боши 1-бетда).

ҲУРМАТЛИ ФУҚАРОЛАР!

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратурасининг раҳбарияти аҳолининг ҳарбий прокуратура идоралари билан қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш йўлидаги ҳамкорликни янада кучайтириш мақсадларини кўзлаб, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий Прокуратурасининг қуйидаги махсус ишонч телефонларини ташкил этди:

8(371) 232-01-71.

Тошкент ҳарбий округи Ҳарбий прокуратурасининг ишонч телефони:

8(371) 232-01-65.

Мурожаатларнинг сир сақланиши кафолатланади.

«Республика кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

I. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитасининг Тошкент вилоят ҳудудий бошқармасининг 28.03.2008 йилдаги 90-Д-сонли буйруғига асосан, якка тартибда уй-жой қуриш учун сотилиши белгиланган қуйидаги ер майдонлари аукцион савдоларига қўйилмоқда.

Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳри, «Тонг» даҳаси ҳудудида жойлашган, жами 2 та, ҳар бирининг сатҳи 0,04 га бўлган, 1, 2-ер майдонлари. **Бир ер майдонининг бошлангич баҳоси – 78 672 сўм.** Аукцион савдоси 2008 йил 13 май куни соат 15. 00 да бўлиб ўтади. Ер майдонлари 13 май куни сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 20 май куни соат 11.00 да ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан уч кун олдин тўхтатилади. Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини РКМБнинг АТИБ «Ипотекабанк»нинг С. Рахимов ф-даги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: МФО 00901, ИНН 200933850, 20210000500571452105.

II. Савдога Тошкент вилояти, Тошкент тумани суд ижрочилари бўлими томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда:

а) ЖИБ Тошкент тумани судининг 23.07.2007 йилдаги 308/2007-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент тумани, Минвода кўчаси, «Кандрат Даевоо» ХК омборида сақланаётган, «УАЗ-452А» русумли, д/р 11 У 0738 бўлган, 1981 йилда и/ч автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси – 700 000 сўм;**

б) ЖИБ Қибрай туман судининг 18.05.2007 йилдаги 6-890/2007-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент тумани, Ҳасанбой ш/х, Ҳасанбой 5-тор кўчаси «Камол-Уматдош» МЧЖ омборида сақланаётган, «Фолсфаген-Пассат» русумли, д/р Х414РZМ бўлган, 1989 йилда и/ч автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси – 4 500 000 сўм.**

III. Савдога Тошкент вилояти, Зангиота тумани суд ижрочилари бўлими томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда:

а) ФИБ Тошкент вилояти, Зангиота туманлараро судининг 06.01.2004 йилдаги 51-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Зангиота тумани, «Гунафша» ХХСК омборида сақланаётган, «УАЗ-469» русумли, д/рсиз, и/ч йили номаълум бўлган автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси – 462 437,0 сўм;**

б) ЖИБ Тошкент вилояти, Зангиота туман судининг 28.07.2004 йилдаги 175/2004-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Зангиота тумани, «Гунафша» ХХСК омборида сақланаётган, «ГАЗ-6605» русумли, д/р 10 U 4951 бўлган, 1978 йилда и/ч автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси – 545 665,2 сўм.**

Такроран ўтказиладиган аукцион савдоси 2008 йил 29 апрель куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

IV. Шунингдек, Тошкент вилояти, Зангиота тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, ФИБ Тошкент вилояти, Зангиота туманлараро судининг 19.03.2007 йилдаги 1-769-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Зангиота тумани, Х. Олимжон кўчаси, 3 пр., 3-уйда жойлашган, 2 қаватли, ер майдони 800 кв.м. бўлган «Уй-жой», **Бошланғич баҳоси – 57 774 395,1 сўм.** Аукцион савдоси 2008 йил 12 май куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Автотранспорт воситалари ва кўчмас мулк билан туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа ҳужжатларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг АТ «Ипотекабанк»нинг С. Рахимов ф-даги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: МФО 00901, ИНН 200933850, 20210000500571452105.

Манзил: Тошкент ш., С. Рахимов т., М. Ўразбоев кўчаси, 1-Ауй. **Тел.:** 228-79-52;. **www.rkmb.uz**

Мустақиллик йилларида таълим тизимини ривожлантириш моҳият эътибори билан замонавий ҳуқуқий давлат ва очиқ фуқаролик жамиятини барпо этишнинг таркибий қисмига айланди, бу жараённинг қонунчилик ва ташкилий асослари яратилди. «Таълим тўғрисида»ги Қонун, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», ниҳоят, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги Фармони бу йўналишдаги фаолиятда, таълим соҳасини изчил ислоҳ қилишда муҳим аҳамият касб этди.

Бекобод шаҳри ҳокимлиги халқ таълимини ривожлантиришга қаратилган тегишли қонунлар, фармонлар ва ҳукумат қарорларини бажара бориб, таълим-тарбия муассасаларининг моддий-техник асосларини, ўқитиш жараёнларини янгилаш, бу борадаги ислоҳотларни чуқурлаштириш дастурини собиткадамлик билан амалга ошириб келмоқда. Ушбу саҳифа материаллари орқали ана шу кенг кўламли саъй-ҳаракатлар натижаси билан танишасиз.

СУРАТЛАРДА: 16-умумтаълим мактабининг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси Нурия Загидулина 9-«А» синфда машғулот ўтмоқда.
Қуйида – шаҳар умумтаълим мактаблари ва коллежларда таълим-тарбия жараёнидан лавҳалар.

Ибрат

АНЪАНАЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

МАКТАБИМИЗНИНГ йиллар мобайнида шаклланган ибратли анъаналари бор. Жумладан, пухта билим олаётган битирувчиларимизнинг асосий қисми ҳар йили мамлакатимиз ва хориж олий ўқув юртларига кириб, ўқишни давом эттирмоқдалар. Ўтган йилги 20 нафар битирувчимизнинг 70 фоизи бугун Москва, Санкт-Петербург ва Тошкент шаҳарлари олий ўқув юртларида таҳсил олишаяпти.

Иқтидорли ёшларнинг олий ўқув юртларида билим олишларини ҳомий ташкилотлар молиявий қўллаб-қувватлашаяпти. Мактаб ва коллежларни тугатиб, педагогик йўналиш бўйича билим олаётган талабаларнинг контракт тўловларини «Ўзметкомбинат» акциядорлик-ишлаб чиқариш бирлашмаси ўз зиммасига олган.

Мактабимизда билим олган ёшларнинг кўпчилиги малакали мутахассислар бўлиб етишиб, шаҳримиз корхоналари, фирма ва ташкилотларида меҳнат қилишаётир. Биз тарбия соатларида собиқ битирувчиларимиз – Ипотека банки шаҳар бўлими мудирининг ўринбосари Шаҳодат Каримова, металлургия корхонаси цех бошлиқлари Алик Нуриддинов, Марат Валиев, ҳуқуқшунослик фанлари номзоди Анвар Болтабоев ва шаҳримизнинг бошқа донгдор кишилари билан суҳбатлар, учрашувлар уюштираётирмиз. Бу тадбирлар ўқувчиларни ўз қадрдон мактаби, шаҳри, она юртига муҳаббат руҳида тарбиялашга хизмат қилаётир.

Ёшларга чуқур билим бериш, уларни дўстлик, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш анъанасини ўқитувчиларимиз янги-янги изланишлари, ибратли тажрибалари билан бойитиб боришаяпти. Айниқса, Надежда Цой, Ойша Сулаймонова, Юлдуз Жонжигитова, Роза Камолиддинова сингари устозлар таълим-тарбия самарадорлигини оширишда алоҳида намуна кўрсатишаётир.

Раиса НУРИДДИНОВА,
2-умумтаълим мактаби илмий бўлим мудири.

РАҚАМЛАР ТИЛИ БИЛАН

- *Бугунги кунда шаҳарда 17 та умумтаълим мактаби, 15 та боғча-ясли, битта мактабдан ташқари таълим муассасаси, иккита болалар ва ўсмирлар спорт мактаби фаолият кўрсатмоқда.*
- *Умумтаълим мактаблари ўқитувчиларининг 73 фоиздан зиёдроғи олий, 9 фоизга яқини тугалланмаган олий маълумотга эга.*
- *Мактаб ва коллежлар замонавий ўқув-компьютер синфхоналари билан тўла таъминланган.*
- *Мактабгача таълим муассасаларида 1562 бола тарбияланаётир.*
- *Мактаб ўқувчиларининг 80 фоизи турли тўгарак машғулотларига жалб қилинган.*
- *Таълим муассасаларидаги 16 та спорт зали, 16 та футбол, 16 та волейбол, 10 та қўл тўпи, 16 та баскетбол майдонлари мукаммал жиҳозланган.*
- *Ҳозирги кунда 32 та секцияда 485 ўқувчи спорт маҳоратини оширмоқда.*

Таълим: ИСЛОҲОТ ВА САМАРА

Тажриба

ЎҚИТУВЧИ – АСОСИЙ ШАХС

МАЪНАВИЙ ва жисмоний баркамол инсонларни тарбиялашда барча омиллар муҳим. Бироқ, моддий-техник ва услубий асослар қанчалик мукаммал бўлмасин, таълим-тарбияда муваффақият кўп жиҳатдан ўқитувчининг салоҳияти, иқтидори, ўз касбига, ўқувчиларига бўлган меҳрига боғлиқ. Ўқитувчи ҳамиша ўқитиш ва тарбиялаш жараёнида асосий шахс бўлиб қолаверади.

Ўзимдан мисол. Ўқитувчилик касбига қизиқиш ишлаб туриб, олий маълумот олишимда менга қунт, кучғайрат бағишлади. Айни пайтда тажрибали математиклардан А. Қолжигитов, А. Мадиёров, Ў. Эшмуродов, Н. Тўрақуловнинг дарсларни ташкил этиш, ўқувчиларда бу фанга қизиқишни кучайтириш услубларини тинмай ўргандим. Ҳаётимнинг деярли 40 йилини 16-мактаб педагогик жамоасида меҳнат билан ўтказдим.

Фан ўқитувчиси учун энг муҳими шуки, нутқ равон, баён қисқа, хулоса лўнда бўлиши керак, токи, ҳар бир гапнинг моҳиятини ўқувчи идрок этсин, шуурига сингдириб олсин.

Мен математика кабинетидаги кўргазмаларни ҳамиша янгилаб, такомиллаштириб келдим. Янги педагогик технологияларни тез илғаб олиб, моҳиятига етиш ва амалда қўллашга ҳаракат қилдим. Электрлаштирилган, масофадан туриб фойдаланиладиган кўргазмали стендлар, «жонли» экранлар ўқувчиларга ҳар бир дарс мавзуини тўлақонли тушунтириш имконини берарди. Уларнинг аксариятини ясашга ўқувчиларни бевосита жалб қилардим.

Бу тажриба педагогик жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотди. Ҳатто, математика ўқитувчиларининг бир ойлик малака ошириш курси машғулотлари бизнинг фан кабинетимизда ташкил этила бошланди. Бора-бора мактабимиз Оққўрғон, Бўка, Бекобод туманлари ўқитувчилари учун тажриба майдони бўлиб қолди. Математика фани бўйича олимпиадалар, кўрик-танловларни ҳам мактабимизда ўтказиш одат тусига кирди.

Нима демоқчиман? Ўқитувчи ўз фанини яхши билса, ўқувчининг қалбида қизиқиш уйғота олса, кўзлаган мақсадига эришади. Албатта, бу осон эмас. Зеро, ўқитувчи касбини танлаган ҳар бир киши шуни ҳамиша ёдда тутиши керакки, бу касб тинмай ўқиб-ўрганишни, изланишни талаб қилади.

Нурназар ҒОЙИБНАЗАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Халқ ўқитувчиси.

Дастур ижроси

МУҲИМИ – БАРКАМОЛ ИНСОН ТАРБИЯСИ

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ соҳасини ислоҳ қилиш мустақиллик йилларида жамият турмушини янгилашнинг устувор йўналишларидан бирига айланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан бу борада йирик умуммиллий дастурлар ва истиқболли режалар ишлаб чиқилиб, босқичма-босқич амалга оширилаётир.

Бу саъй-ҳаракатлар самараларини шаҳримиз мисолида яққол кўриш мумкин. Умуминсоний қадриятлар ва халқимизнинг қадимий анъаналари, миллий истиқлол ғояси руҳида тарбияланиб, камолга етаётган йигит-қизларнинг янги-янги авлоди бугун йирик саноат корхоналари ва қурилиш ташкилотларида, қўшма корхоналар ва фирмаларда, ижтимоий соҳанинг барча йўналишларида меҳнат қилмоқда.

Айни пайтда соҳадаги ислоҳотлар чуқурлашиб бораётир. Таълим-тарбия жараёнларини янгилаш, ўқув-тарбия муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш кўламлари кенгайяпти. «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури» бу ишларни яна ҳам кучайтириб, унга янгича моҳият бағишлади. Шаҳар ҳокимлиги ва вилоят халқ таълими бошқармаси ҳамкорлигида барча молиявий манбалар жамланиб, мактабларда қурилиш ва тўла таъмирлаш ишларини амалга оширишга киришилди. Бугун шуни мамнуният билан таъкидлаш мумкинки, қисқа муддатда 16 минг 900 ўқувчига мўлжалланган 16 та мактабда катта ишлар амалга оширилди. Қурилиш, қайта таъмирлаш ва янги, замонавий ўқув қуроллари билан жиҳозлашга «Ўзметкомбинат» очиқ акциядорлик бирлашмаси катта маблағ сарфлади. Бу ишга бошқа саноат корхоналаримиз, ташкилот ва муассасаларимиз ҳам салмоқли ҳисса қўшди. Натижада 2006 йилиёқ барча мактабларимиз янгича кўриниш касб этди, замонавий талабларга жавоб берадиган даражада қайта жиҳозланди. Таълим-тарбия жараёнларида компьютер техникаси, бошқа замонавий воситалардан кенг фойдаланила бошланди. Янгича ўқув-услубий омиллар ўғил-қизларимиз пухта билим олишларига, кенг дунёқарашли, ташаббускор инсонлар бўлиб етишишларига хизмат қилаётир.

Бу йил мактабгача тарбия муассасаларини тўла таъмирлашга киришилди. «Ёшлар йили» Давлат дастурига биноан боғча-яслиларда қурилиш ва таъмирлаш, уларни замонавий усулда жиҳозлаш мақсадлари учун 1 миллиард сўм маблағ сарфлаш кўзда тутилмоқда. Албатта, бу ишларга ҳам шаҳримиздаги ҳомий ташкилотлар салмоқли ҳисса қўшишлари шубҳасиз.

Давр таълим-тарбия муассасалари ходимлари, кенг жамоатчилик олдига янгича вазифалар қўймоқда. Ёшларга билим бериш, уларни тарбиялашни янги сифат даражасига кўтариш асосий вазифага айланди. Бугун ўқитувчиларимиз шуни ҳисобга олиб, ёш авлодни мустақил ҳаётга тайёрлаш, бозор иқтисодиёти шароитида ўз билим ва кўникмаларини намоён эта олишга қобил ва қодир, иродали, изланувчан қилиб вояга етказиш жараёнларига янгича ёндошмоқдалар. Болаларда мустақил фикрлаш ва ҳаракат қилишга интилишни кучайтириш учун дарс ва ундан ташқари таълим-тарбия жараёнлари такомиллаштирилаётир.

Ўқитишнинг замонавий услубларини, илғор педагогик технологияларни мукаммал эгаллаб олиб, ўқитиш сифатини ошириб бораётган ўқитувчилар сафи кенгайиб бормоқда. Бугун мактабларимизда фарзандларимизга билим ва тарбия бераётган устозларнинг ҳар учинчиси олий ва юқори касб тоифасига эга. Улар тарбиялаётган ўқувчилар халқаро фан олимпиадаларида, жаҳон ва халқаро спорт мусобақаларида ўз иқтидор ва салоҳиятларини намоён этиб, мустақил Ўзбекистонимиз шуҳратини оширишга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Улуғбек АБДУНАЗАРОВ,
шаҳар ҳокимлигининг ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича бош мутахассиси.

Қисқа сатрларда

ҚИЗИҚАРЛИ КЕЧА

3-умумтаълим мактабининг 9-синфлари ўқувчилари «Огоҳ бўл, дунё!» мавзуида кеча ташкил этишди. Ўқувчиларнинг ўзаро мушоҳадалар чоғида билдирган фикр-мулоҳазалари тадбирда иштирок этган Садриддин Айний, Ал-Хоразмий, Тинчлик ва Аббосов маҳаллари фаоллари, ота-оналарда катта қизиқиш уйғотди.

Ҳакима ҚОБИЛОВА.

ЎҚУВЧИ УЧУН СТИПЕНДИЯ

«Ўзметкомбинат» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси касаба қўмитаси Ёшлар йилида шаҳар коллежларининг энг иқтидорли, жамоатчи ўқувчиси учун махсус стипендия таъсис этди. Саноат касб-ҳунар коллежининг республика фан олимпиадаси совриндори бўлган ўқувчиси Александр Ли унга муносиб деб топилди.

Иноят ҚУРБОНОВ.

ҚАРДОШЛИК БАЙРАМИ

7-умумтаълим мактабида анъанавий Дўстлик фестивали ўтказилди. Украин, рус, қозоқ, тожик, татар, ўзбек ва бошқа миллатларнинг урф-одатларига бағишланган саҳна кўринишлари намойиш қилиниб, халқ қўшиқлари ижро этилди. Гулзира Зарипова, Наталья Тешакова раҳбарлик қилаётган синфлар ўқувчиларининг чиқишлари иштирокчиларда алоҳида таассурот қолдирди.

Ҳаётхон РАҲИМОВА.

МАКТАБ – мўътабар даргоҳ. Унда фарзандларимиз билим олиб, ҳар жиҳатдан баркамол инсонлар бўлиб етишадилар. Бу жараёнда педагогик жамоанинг саъй-ҳаракатлари муҳим ўрин тутади. Жамоамизда 8 нафар олий, 21 нафар биринчи ва 24 нафар иккинчи тоифали ўқитувчи фаолият кўрсатмоқда.

САБОТ ВА ҚАТЪИЯТ

Ўқувчилар дарсдан ташқари вақтларда фанларни чуқурроқ ўзлаштириш, билимларини мустаҳкамлашлари учун 28 та фан тўгараклари ташкил этилган.

Ўқувчи-ёшларимиз республика, вилоят миқёсида ўтказиб келинаётган танловларда яхши натижаларга эришаяптилар. Бу ижобий натижаларда Ўзбекистон Халқ ўқитувчиси Нурназар Ғойибназаров, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи Ёқутой Миркомилова, «Шуҳрат» медали соҳибаси Муборак Дўсматова сингари устозларимизнинг тажриба ва ибрати, маҳалла ҳамда ота-оналар қўмитаси билан ҳамкорлик муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

2006 йилда мактабимиз «Йилнинг энг яхши мактаби» республика кўрик-танловида муваффақиятли иштирок этиб, Республикада биринчи ўринни қўлга киритди.

Ортиқжон МАЪРУПОВА,
Бекобод шаҳар 16-умумтаълим мактаби директори, Халқ маорифи аълочиси.

ИШТИЁҚ РАҒБАТИ

ЖИСМОНАН ва маънан соғлом авлодни тарбиялашга эътибор йил сайин кучайиб бораётир. Мактаблар ва коллежларнинг спорт мажмуаларини замонавий машқ воситалари ва жиҳозлари билан таъминлаш, маҳаллалар ва даҳаларда спорт майдончалари барпо этишга, жумладан, «Ўзметкомбинат» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси катта миқдорда маблағ ва моддий ресурслар сарфламоқда.

Бу шаҳримизда болалар спортини ривожлантиришга кенг йўл очди. Болалар теннис, эркин кураш, футбол, қўл тўпи, баскетбол, белбоғли кураш, енгил атлетика ва бошқа спорт турлари билан мунтазам шуғулланишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Юқори малакали спорт усталарининг машқларида қатнашиш, турли секциялар фаолияти йигит-қизларимизнинг ўз иқтидорларини тўла намойиш этишига ёрдам бераётир. «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» мусобақалари шаҳримизда ҳамиша катта спорт байрамига айланиб кетади. Кейинги йилларда бу мусобақаларда мактаб ва коллежларимиз ўқувчилари яхши натижаларга эришаётирлар.

Чунончи, шаҳар биринчиликларининг ғолиблари вилоят, республика ва халқаро мусобақаларда муваффақиятли иштирок этишаётир. 3-мактаб ўқувчиси С. Обидов, 12-мактаб ўқувчиси Б. Содиқов самбо бўйича Осиё чемпионатида муваффақиятли қатнашишди. Осиё ўйинларида мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган чемпионлар – опа-сингил Севара ва Зарина Ғаниевалар «Ўзметкомбинат» корхонаси томонидан «Матиз» автомашинаси билан тақдирланди.

«Алпомиш» спорт клуби аъзолари Сирожиддин Обидов билан Насим Валиевлар ёшлар ўртасида самбо бўйича Ўзбекистон биринчилиги ғолиби бўлишди. Ёш спортчиларимиз сентябрь ойида Минск шаҳрида ўтган Евроосиё ўйинларида иштирок этишди.

Бу нуфузли мусобақада шаҳримиз вакиллари Бобур Содиқов, Мираббос Холматов, Дилшод Ҳидиралиев, Умид Дўстматов учинчи ўринни эгаллашди.

Биз мактаб ва коллежларимизда доврукли ёш спортчилар етишиб чиқаётганлиги билан фахрланамиз. Уларнинг ибрати, ғалабага бўлган иштиёқи ва интилиши, турли халқаро мусобақаларда эришаётган ютуқлари ўқувчиларнинг янги-янги авлодини спорт билан узлуксиз шуғулланишга руҳлантирмоқда.

Жамшид ЎСАРОВ,
Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Бекобод шаҳар бўлими бошлиғи.

Янги авлод

БИЛИМ ВА МАЛАКА – ЭГИЗАК

БЕКОБОД минтақаси – саноат, қурилиш ва транспорт корхоналари, бошқа ижтимоий-иқтисодий соҳалар ривожланиб бораётган йирик ишлаб чиқариш марказларидан бири. «Ўзметкомбинат» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Бекободцемент» акциядорлик жамияти, ғишт, пахтани қайта ишлаш ва нон заводлари минтақа индустриясининг негизини ташкил этади.

Бу ва бошқа корхоналар учун шаҳар касб-ҳунар коллежлари ҳар йили юзлаб малакали ишчи кадрлар тарбиялаб етиштирмоқда.

Ҳозирги пайтда фақат бизнинг коллежимизда 1200 ўқувчи билим олиб, олти йўналиш бўйича 14 хил касбни эгаллаётир. Биз технологик, кон-металлургия машина ва ускуналари, металлни қайта ишлаш дастгоҳлари, саноат корхоналари электр ускуналарида ишловчи мутахассислар, компьютер операторлари, турли кранлар, экскаватор ва бульдозер машинистлари тайёрлаб чиқараётирмиз.

Табиийки, ёшлар бу мураккаб касбларни мукаммал эгаллаб олишлари учун бир қатор шарт-шароитлар, зарур ўқув-техника базаси зарур. Шуни кўзлаб, коллежимизда муҳандис-педагогларнинг юқори савияли жамоаси шакллантирилган. Айтайлик, ҳозирги пайтда муҳандис-педагоглар орасида 28 киши олий ва юқори тоифали мутахассислар. Ишлаб чиқариш таълими машғулотларини ҳам малакали мутахассислар олиб боришаётир. Фан ўқитувчилари Анора Худойқулова, Назокат Йўлдошева, Тамара Нурматова, Сония Мелибоева, ишлаб чиқариш таълими усталари Юрий Капитанов, Николай Сон, бош уста Валерий Мамутов бу борада алоҳида ўрнак кўрсатишмоқда. Таълим ва касбий тарбия жараёнларини малакали ташкил этишда коллеж директорининг касбий тайёргарлик бўйича ўринбосарлари Татъяна Цой, Раҳмонали Мақсудов, маънавий-тарбия ишлари бўйича ўринбосар Гулбаҳор Абдуллаеванинг бой тажрибаси ва ташаббускорлиги алоҳида ўрин тутаётир.

Ўқитувчиларимиз янги янги педагогик технологияларни ўрганиб, ўқув жараёнларига жорий этишаётир. Машғулотларда замонавий ўқув қуроллари ва техник воситалардан фойдаланиш яхши самара бераяпти. Услубий ишларни такомиллаштиришда Тошкент Давлат техника ва Информатика технологиялари университетлари, вилоят Давлат педагогика институти билан илмий-услубий ҳамкорлик қўл келяпти. Биргаликда услубий ва ўқув қўлланмалари ишлаб чиқилаётир.

Бугунги кунда коллежнинг таълим устахоналари чоғроқ корхонани эслатади. Ўқувчилар ишлаб чиқариш таълими машғулотларида малака ҳосил қилиб, айрим ташкилотлар ва хусусий шахсларнинг буюртмаларини бажараётирлар. Коллежимиз тайёр маҳсулотлар намойиш этилган вилоят ярмаркасида ўтган йили иккинчи ўринни эгаллаганлиги бунинг далилидир. 2007 йилда шу тарика 6,7 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилди. Шунга асосланиб айтиш мумкинки, коллежимизда танлаган касбларини мукаммал эгаллаётган, бозор иқтисодиёти ва кучли рақобат шароитида ўз ўринларини топишга лаёқатли йигит-қизларнинг янги авлоди камол топмоқда.

Зокир ТУРСУНБОЕВ,
Бекобод саноат касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси, «Шуҳрат» ордени нишондори.

Саҳифани «Тошкент ҳақиқати» мухбирлари Жўра Саъдуллаев, Ёркебой Ботиров (суратлар) тайёрлашди.

9 апрель – Амир Темур таваллуд топган кун

МАЛИК АКАНИНГ ТЕМУРНОМАСИ

Август ойининг бошида Герасимовнинг иши махсус комиссия муҳокамасига қўйилди. Баҳс, мунозара авжига чиқди. Машҳур археолог олим Яҳё Ғуломов ғазабини яширолмади:

– Герасимовнинг бу ишини мен ўзбек халқига туҳмат деб ҳисоблайман. Темур қиёфаси бузиб тасвирланган. Темур мўғул эмас, ўзбекнинг барлос уруғидан. Буюк жаҳонгирнинг юз-кўзини бундоқ нафрат билан акс эттириш учун халқимизнинг душмани бўлиш керак! Мен бу ишни қабул қилишга мутлақо қаршиман!

У пайтларда Герасимовга ўхшаганларнинг Амир Темурга муносабати тайин эди. Шунинг учун Яҳё аканинг товуши диёнатнинг ожиз нидосидек бўлиб қолаверди. Замона зўрники, томоша кўрники эди. Амир Темур бюсти кўпчилик овоз билан қабул қилинди.

Герасимов кўнгилларга соя солиб кетди-ю, ёш Абдумаликнинг қалбида янги ният куртак очди. «Мен соҳибқирон сиймосини қайта яратаман! – деб онт ичди у. – Менинг Темур бобом ўзига ўхшаган бўлади». Бироқ мусаввирнинг билими ҳам, маҳорати ҳам ҳали етарли эмас эди. Аввало, Амир Темур ҳаётидан баҳс этувчи асарлар йўқ. Ҳали Шарофиддин Али Яздий, Низомиддин Шомий, Ибн Арабшоҳ каби муаррихларнинг темурномалари ўзбекчага ўгирилмай, қўлёзма ҳолида ётарди. Иккинчидан, мабодо Малик Набиевга ўхшаган рассомлар Темур қиёфасини яратганларида ҳам бу амал қўллаб-қувватланмас эди. Замоннинг зайли шуни тақозо этарди.

Бу орада уруш бошланиб қолди. Ҳукумат қарори билан вилоятларда тарғибот ишларини олиб борадиган гуруҳлар тузилди. Малик ака ҳам шу гуруҳга тортилди. Уни Қашқадарёга жўнатдилар. Бу айни муддао эди. Ёш рассом анчадан бери жаҳонгир таваллуд топган ерларни кўриб, Шаҳрисабз ила яқинроқ танишиш орзусида эди. Малик ака ўша йилларни эслаб дейди:

– Шу кетганча, Қашқадарёда икки йилча қолиб кетдим. Менинг вазифам турли хил шиорлар ёзиб, кўчакўйга осиш эди. Қўлим бўш бўлди дегунча, типаж (тимсол) ахтараман. Амир Темур туғилган Хўжа Илғорга неча марта бордим – билмайман. Ҳар қалай, у ер ўз уйимдек бўлиб қолган эди. Кимни кўрсам, Темурга ўхшатгим келади. Юз тузилиши, кўзлари, бурни, пешонаси, кўз қараши. Бозорга бораман. Бирор отахонни кўрсам, қаердансиз, деб сўрайман. Агар Шаҳрисабзлик бўлса, дарров хомаки суратини чизиб оламан. Ҳозир эсимда йўқ, икки йилда эҳтимол икки юзта эскиз билан қоралама тайёрлагандирман. Булар кейинроқ Амир Темур портретини чизишга киришганимда асқотди.

Орадан роппа-роса йигирма беш йил ўтди. Мамлакатда сиёсий иқлим бир мунча юмшагандек эди. Академик Иброҳим Мўминовнинг Темур ва темурийлар даври ҳақидаги рисоласи чоп этилди. «Гулистон» журналида «Темур тузуклари»дан парчалар эълон қилинди. Ибн Арабшоҳнинг машҳур «Амир Темур тарихи» китобидан парчалар босилди. Булар Малик аканинг кўнглида кул босаёзган ўша чўғни қайта ловуллатиб юборгандек бўлди.

Бу пайтга келиб Малик Набиев республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби, Низомий номидаги педагогика институтининг профессори, қатор ижодий танловлар ғолиби эди. Мусаввирнинг нозик қалами туфайли дунёга келган Абу Райҳон Беруний портрети аллақачон дарсликларга кириб кетган эди.

Малик ака соҳибқирон қиёфасини чизишда давом этди ва яна йигирма йил кутди. Ниҳоят, юртимизда ҳуррият шабадалари эсиб, мўйқалам соҳибларига ҳам ижод эрки етгач, Малик ака кечаю кундуз буюк Амир Темур сиймосини яратиш ила банд бўлди. Юрса ҳам, турса ҳам Ибн Арабшоҳнинг Амир Темурга берган ёзма таърифи қулоғидан кетмайди: «Темур узун бўйли, тик қоматли, пешонаси кенг, калласи улуғ, гавдаси бўлалик, ранги оқу қизил, қўлоёқлари бақувват, елкадор, почалари семиз, овози йўғон киши эди».

Малик ака – табиатан камсуқум, камтарин, ҳатто, бир даража ҳокисор одам. У касбдошларини тирсаклаб, давраларда биринчи сафга туриб олишни ўзига номуносиб иш деб билади. Тақдири азалда ҳар бир кимсанинг амалига яраша мукофот ёзилган, деб ишонади.

Бу сафар ҳам шундоқ бўлди. 1993 йил. Амир Темур таваллудининг 660 йиллик тўйи арафасида мусаввирлар орасида танлов эълон қилинди. Малик ака уни кеч эшитди, шунинг учун соҳибқирон портретини комиссияга кечроқ элтди. Танловда республикамиздаги ўнлаб атоқли рассомлар иштирок этаётган эди. Комиссия кўпчилик овоз билан Малик Набиев яратган Амир Темур портретини маъқуллади. Юртбошимизга ҳам соҳибқироннинг зоҳирий сурати хуш келди.

Шу тариқа олам аҳли илк маротаба жаҳонгирнинг реал, ҳаётий сиймоси билан танишиш бахтига муяссар бўлди. Ҳадемай, портрет миллионмиллион нусхада дунёга тарқатилди, маркаларга, гулхатларга, хабарномаю тақвимларга айланиб, қитъаларароо уча бошлади. Малик аканинг эллик йиллик меҳнати поёнига етган эди.

Саъдулла СИЁЕВ.

(Давоми. Боши 1-бетда).

СПОРТЧИЛАРИМИЗНИНГ ЯНА БИР МУВАФФАҚИЯТИ

УКРАИНАНИНГ Донецк шаҳрида бокс бўйича ўтказилган нуфузли халқаро турнирда Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.

"А" таснифидаги нуфузли мусобақада етти мамлакатдан келган, 1990-1991 йилларда туғилган юз нафарга яқин боксчи ғолиблик учун рингга чиқди. Мусобақада Мансур Маҳмудовнинг юртимиз шарафини ҳимоя қилган шогирдларидан беш нафари финал йўлланмасини қўлга киритди.

Ўзбекистонлик чарм қўлқоп усталаридан Ботиржон Маҳмудовнинг жанглари мухлису мутахассисларга манзур бўлди. Вазни 69 килограммгача бўлган боксчилар ўртасида рингга чиққан спортчимиз барча учрашувларда юқори техникага эга эканини намойиш қилиб, рақибларини доғда қолдирди. Б. Маҳмудов ташкилотчилар томонидан халқаро турнирнинг "Энг яхши боксчиси"га аталган соврин билан тақдирланди.

Мусобақада 64 килограмм вазн тоифасида жанг ўтказган Ўткирбек Назиров ҳам устозлари ишончини оқлаб, олтин медалга сазовор бўлди. Ҳал қилувчи жангда мэзбонлар вакили устидан зафар қучган ҳамюртимизга халқаро турнирнинг фахрий меҳмони, профессионал бокс бўйича кўп карра жаҳон чемпиони Константин Цзю шахсий соврини топширилди.



Шунингдек, ўзбек боксчиларидан Дилшод Ҳамроев ҳамда Шуҳрат Абдуллаев терма жамоамиз ҳисобига биттадан олтин медаль тақдим этди. Бунёд Машрабов кумуш медаль билан кифояланди.

Энди Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Россиянинг Ногинск шаҳрида бўладиган халқаро ёшлар турнирида иштирок этади.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, ЎзА шарҳловчиси.

МОСКВАГА ЙЎЛЛАНМА

«ЎЗМЕТКОМБИНАТ» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси бошқарув кенгаши металлург кадрларга бўлган эҳтиёжни тўлароқ қондириш мақсадида Москва пўлат ва қотишмалар институти билан шартнома тузди.

– Ҳозирги вақтда бу институтда 67 нафар ёшларимиз таҳсил олмоқда, – дейди бирлашма бош муҳандиси Гайрат Асанов. – Бу албатта, корхонада юқори малакали мутахассислар сафининг кенгайишига ёрдам беради.

Мунира ИСАЕВА.

Tafakkur gulshani

DARYODAN TOMCHILAR

Mahorat keksaygach kamolga yetar,
Afsuski, belingdan kuch-quvvat ketar.
* * *
Yaxshi uydan mehmon arimas,
Eshigidan mezbon arimas.
* * *
Yulduzlardan baland uchsang ham,
Odamlardan baland uchmagin.
* * *
"Siz" og`zing hech qachon "sen"ga bormasin,
Sendan hech bir odam ranjib yurmasin.
* * *
Ba'zi odamlarning tillaridan bol tomayotgandek tuyuladi-yu, yuz-ko`zlarida ta'magirlik va imonsizlik zuhr bo`ladi.
* * *
Kulgili voqea va hazil-mutoyiba har bir kishining joni-dili bo`lgandagina u uzoq yashashi mumkin.
* * *
Beparda derazadan hech kim kulmaydi,
Beparda og`izda alaf gullaydi.
* * *
Og`zingga kelganin o`ylamay dema,
Noma'qul buzoqning go`shtini ema.
* * *
Gar yetti iqlimga bo`lsang-da sulton,
Cho`rtan baliq yanglig` bo`lmagin surtan.
* * *
Nagzi to`qlar qildan qiyiq qidirmas,
Nagzi ochlar tirnoqdan topar qilu xas.
* * *
Uy-ro`zg`or yumushin bilmagan xotin,
Bir karra gur yonib kul bo`lgan o`tin.
* * *
Begona shamolni to`sguvchi tog` bo`l,
Ustozlar misoli sermeva bog` bo`l.
* * *
Bo`lay desang chin inson, mard er,
O`z-o`zingga savol-javob ber.
* * *
Oqil kishi avval salom, keyin kalom der,
Avvalo tarbiya, keyin ta'lim ber.
* * *
Vaysaqi kishida yoru do`st bo`lmas,
Yurakka sanchilgan tig`dan farq qilmas.
* * *
Qumursqa o`rmalab yursa-da, qancha,
Yashamadim dermish odamdek shuncha.
* * *
Adolat ham go`yo aziz non,
Bosako`rma uni hech qachon.
* * *
Yuzlar yal-yal yonar g`ururdan,
Jaz-jaz kuyar fisqu fujurdan.

Hasan OTAQULOV.

КЎНГИЛЧАН ОДАМ

Шосаиднинг бозор-ўчарга азалдан ҳуши йўқ. Шу боис олди-сотди ишлар хотинининг гарданида. Бир гал якшанбада бозорга ўзи отланди. Халталарни тутқазаётган хотини қувонганча деди:

– Бозор қилиш ҳам иш бўлибдими? Омборда озроқ макка дони сичқонларга ем бўлиб ётибди. Шу ордонани пуллаб юборсангиз-чи, ҳарна рўзғорга ямоқ бўларди.

Шосаидга таклиф маъқул тушди. Чоғроқ қопдаги донни машинага ортди. Тор кўчадан йўлга чиқаётиб, маҳалладоши Раҳмон акага рўпара келди.

– Э, барака топ, ука, – деди очиқ чехра билан у. – Бошим қотиб турган эди. Озроқ орқага қайтиб, қайнимникидан бир челак кўмир олсак, нима дейсан?

Шосаид ноилож ортга қайтди. Бир челак кўмир машина юкхонасига қўйилганидан сўнг Раҳмон аканинг қулфи дили очилди:

– Зап йўлиқдинг-да, ука. Энди бозордан гўшт олсак, кабоб тайёр-да!

– Ўзим ҳам бозорга бораяпман, – деди Шосаид. – Сотиш учун озроқ макка дони олиб кетаяпман.

– У ҳолда айни муддао, – қувонди Раҳмон ака. – Донни мана, биз сотиб оламиз-да. Бозорда қоп кўтариб, патта пули тўлаб юрасанми. Уйда товуқлар толиққанидан бир-бирларига суяниб юрибди.

Шосаид ичидан севинди. Ахир, бозорда сарғайиб туришдан баттар азоб борми?

– Розиман, – деди Шосаид. – Аввал доннинг баҳосини бозордан билиб чиқаман.

– Ҳа-да, – деди Раҳмон ака ҳам дадиллашиб. – «Отанг бозор, ўнанг бозор» дейишган. Бозорда қанча бўлса, шундан бир-икки сўм тушиб берасан-да. Бир қоп юк от билан туя бўлармиди?!

Шосаид кўнди. Бозорда доннинг баҳосини билишгач, аввал Раҳмон акага гўшт оладиган бўлишди. Растага бораётиб, йўлда бироз арзонроқ сотилаётган пиёздан бир қоп харид қилишди. Шосаид пиёзни елкасига олиб, машинасига қўйиб келди. Гўшт олиб, Шосаидга тутқазгач, Раҳмон аканинг кўзига ҳафсала билан териб қўйилган қовун-тарвузлар чиройли кўриниб кетди.

«Ҳозир арзонлигида ўнта-ўнтадан олиб қўйсам, ютқазмайман. Бир қордан сўнг битта тарвузнинг баҳоси фалон сўм бўлиб кетади. Машина бўлса ҳозиру-нозир. Барибир уйимгача элтиб қўяди-ку», кўнглидан ўтказди.

Шосаид қовун-тарвузларни машинага ортгунча жиққа терга ботди. Юк ташиш малол келди, лекин андиша билан ўйлади: «Нима бўлса ҳам маҳалладошим, озиб-ёзиб бир иши тушибди. Миннат қилсам ярашмас. Ҳар ҳолда бир қоп донимни улгуржи сотиб олаяпти-ку. Ҳисоб-китоб қилсак, бафуржа ул-бул харид қиларман. Бозор қочиб кетмас.

Дарвозадан чиқаётиб Раҳмон ака бир қоп картошка ҳам харид қилди. Бундоқ қараса, ҳамёнидаги пулнинг чўғи кам. Ҳозир уйдан, келинойингдан пул олиб бераман, деб Шосаиддан қарз кўтарди.

Ажабтовур ҳангома уйда бўлди. Юкларни туширгач, Раҳмон ака ичкарига кириб тез чиқар экан, хижолатнамо деди:

– Кеннойинг тушмагур ҳамма пулни олиб, «Ипподром»га кетиб қолибди-ку. Энди икки-уч кун сабр қиласан, ука. Янгангни диди зўр! Фақат тоза, харидоргир мол олади, омон бўлгур. Худо хоҳласа, қарзни ҳам бермай қўймайман.

Шосаиднинг танасидан муздек тер чиқиб кетди. Раҳмон аканинг узундан-узоқ узрли сўзларини эшитишга сабри етмади. Уни ҳафта давомида бўладиган рўзғор машмашасининг оғир юки эзарди.

Собиржон ИНОМОВ.

ДИҚҚАТ, ГАЗ!

Тураржой ва коммунал-хўжалик объектларида газ асбобларидан фойдаланиш чоғида бахтсиз ҳодисалар юз беришининг олдини олиш мақсадида ЭСЛАТИБ ЎТАМИЗ:

– ишлаб турган газ асбобларини қаровсиз қолдирманг;

– хона ва сувни иситиш асбобларини ёқишдан аввал мўрининг ҳаво тортиш ҳолатини синчковлик билан текшириб кўринг, **УНУТМАНГКИ,** мўри тўлиб қолган ҳамда иситиш печларида ёрилган жойлар бўлса, газ ёнишидан ҳосил бўлган ис ва бошқа моддалар хонага тарқалиб, одамлар заҳарланишига олиб келиши мумкин;

– иситиш асбобларининг ортиқча қизиб кетишига йўл қўйманг. **ЁДИНГИЗДА БЎЛСИНКИ,** агар мўри қурилмаган бўлса, иситиш асбоби меъёридан ортиқ қизиб кетса, ёнғин чиқиши ва бахтсиз ҳодиса юз бериши мумкин;

– соҳадан бехабар шахслар, айниқса, болаларнинг газ асбобларидан фойдаланишларига йўл қўйманг;

– газ асбобларига шланг улаб, фойдаланманг.

Коммунал-хўжалик объектларининг **ГАЗ ТИЗИМИГА ЖАВОБГАР ХОДИМЛАРИ** шаҳар ва туман газ идораларида **ИНСТРУКЦИЯдан** ўтишлари ҳамда ўз хўжалик тизимига хизмат кўрсатувчи ходимларни газ асбобларидан фойдаланиш хавфсизлиги бўйича инструкциядан ўтказишлари зарур.

ГАЗГА НИСБАТАН ҲУШЁР ВА ЭҲТИЁТКОР БЎЛИНГ!

Портлаш ва ёнғиндан сақланиш учун қуйидагилар қатъий тақиқланади:

– газ таъминоти тармоғига ўзбошимчалик билан уланиш ва фойдаланиш;

– газ хўжалигининг рухсатисиз ва тегишли ҳужжатларсиз газ асбобларини қайта ва қўшимча ўрнатиш;

– носоз, текшириб кўрилмаган газ ва иситиш асбоблари ҳамда мўрилардан фойдаланиш;

– ностандарт газ ёниш қурилмаларидан фойдаланиш.

Унутманг! Сизнинг ноқонуний хатти-ҳаракатингиз бахтсиз ҳодисага олиб келиши мумкин.

Агар хонада газ ҳиди борлигини сезиб қолсангиз зудлик билан газ асбоби олдидаги жўмракни бураб, газ йўлини беркитинг, хонани шамоллатинг, электр ўчиргич ва очиқ оловдан фойдаланманг, дарҳол газ хўжалиги авария-нозирлик хизматига хабар беринг.

Газ асбобларидан фойдаланиш қоидалари

ГАЗ ҲИДИ СЕЗИЛГАНДА

«ТОШКЕНТГАЗТАЪМИНОТ» УК.

Кулганга нима етсин

– Деворга мих қоқаётиб, болга билан қўлимни уриб олдим.

– Болгани икки қўллаб ушлаганингда қўлингга тегиб кетмасди.

☹ ☺ ☺

Яқинда турмушга чиққан қизидан онаси сўрайди:

– Қизим, турмушинг қалай? Эринг жанжал-панжал қилмайдими?

– Ҳозирча яхши турибмиз. Куёвингиз нима сўрасам беради, нима десам бажаради.

– Демак, кам сўраб, кам буюрар экансанда.

☹ ☺ ☺

– Хотинимга ҳайронман-да! Пул сўрагани сўраган. Кунига ўн марта сўрашдан ҳам тортинмайди.

– Шунча пулни нима қилади?

– Ҳеч нарса. Мен унга бир тийин ҳам бермайман.

Тошкент вилояти ҳокимлигининг Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти "Тошкент ҳақиқати" газетасининг 2008 йил 29 март 24-сонида чоп этилган 2008 йил 30 апрелда бўлиб ўтадиган очиқ тендерга қўйилган ВХ-346 й.т.-сонли "Болта (Жунсиз) – Қўйлиқ АШБ" йўналиши очиқ тендер жадвалидан чиқарилганлигини маълум қилади.

Янгийўл Тиббиёт билим юрти томонидан 1986 йилда Абдиева Маъмурага берилган ИТ № 171129 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Чиноз туманидаги Амир Темур номли 13-ўрта мактаб томонидан 1998 йилда Холджураев Хамид Абдухакимович номига берилган O'RB № 083009 рақамли 11-синфни битиргани ҳақидаги аттестат йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Ўртачирчиқ туманидаги 53-ўрта мактаб томонидан 2007 йилда Абдиев Шуҳрат Нормуродович номига берилган O'R-Sh № 0744765 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54. Эълонлар: 236-55-03, 236-53-54.

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-340. Адади 9050. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.30. 1 2 3 4 5 6 7 8